

ISSN: 2181-1040
DOI: 10.26739/2181-1040
tadqiqot.uz/renaissance



JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL
ASIAN RENAISSANCE**



VOLUME 5 | 2024
ISSUE 1

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE
VOLUME 5, ISSUE 1



МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2024-1>

Бош муҳаррир:

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,
профессор (Ўзбекистон)

ҲАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети профессори (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Анджон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Главный редактор:

МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Заместитель главного редактора:

ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:

ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

доктор философских наук (PhD), Национальный
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ректор Национального университета Узбекистана,
профессор (Узбекистан)

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Академия наук Узбекистана,
академик Академии художеств Узбекистана,
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

профессор Центра Евразийских исследований
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ

профессор Узбекского государственного университета
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

руководитель Научного центра «Философия» при
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ

проректор по научным исследованиям и инновациям
Международной исламской академии Узбекистана,
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

КЛЭР РООСИЕН

PhD доктор кафедры
Славянских языков и литературы
Йельского университета (США)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

профессор Университета
CEU имени Сан Пабло (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

проректор по международным связям
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

профессор Университета Хофстра,
доктор исторических наук (США)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

профессор кафедры религиоведения и культурологии
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,
доктор философских наук (Казахстан)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского
государственного университета, кандидат
философских наук, профессор. (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

профессор Наманганского инженерно-технологического
института, доктор философских наук (Узбекистан)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоийского государственного педагогического института,
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)
по педагогическим наукам (Узбекистан)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

и.о. доцент Наманганского государственного университета,
доктора философии (PhD) по социологическим наукам
(Узбекистан)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)
(Узбекистан)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

докторант кафедры Философии и логики Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Chief Editor:

MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Deputy Chief Editor:

YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,
Associate Professor of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH

Doctor of Philosophy (PhD), National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

MADJIDOV INOM URUSHEVICH

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH

Academy of Sciences of Uzbekistan,
Academician of the Academy of
Arts of Uzbekistan, Doctor of
Art History, Professor (Uzbekistan)

MARIANNE KAMP RUTZ

Professor of the Center for Eurasian Studies
at Indiana University, Doctor of History (USA)

DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH

Professor of the Uzbekistan State
University of World Languages,
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA

Head of the Scientific Center "Philosophy"
at the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH

Vice-Rector for Research and Innovation of the
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

CLAIRE ROOSIEN

Department of Slavic Languages and Literature
of the Yale University, PhD (USA)

ANTONIO ALONSO MARCOS

Professor of the University of CEU
named after San Pablo (Spain)

SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA

Vice-Rector for International Affairs of the National
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

KARIMOV ELYOR ERIKOVICH

Professor of the Hofstra University,
Doctor of Historical Sciences (USA)

GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA

the head of the "Philosophy" department of Andijan
State University, DSc, professor. (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH

Professor of the Namangan Institute of Engineering
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

JURAEVA NIGORA AVAZOVNA

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH

Acting Associate Professor of
Namangan State University, Doctor of Philosophy
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

SHUKUROV AKMAL SHAROFVICH

The National University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LI

doctoral student of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

| | |
|---|-----|
| 1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил)..... | 7 |
| 2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ..... | 13 |
| 3. Отаматов Музаффар Абдурашидович ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ..... | 19 |
| 4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS..... | 28 |
| 5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN..... | 36 |
| 6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ..... | 43 |
| 7. Маматқулов Санжар Тошпўлатович ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС..... | 51 |
| 8. Djurayeva Nigora Avazovna SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE..... | 59 |
| 9. Тошов Хуршид Илхомович ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ..... | 67 |
| 10. Шамсутдинова Нигина Каримовна СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ..... | 77 |
| 11. Zhang Lei SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA..... | 83 |
| 12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ..... | 90 |
| 13. Гулямов Хуршид Жамшетович РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ»..... | 102 |
| 14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли МУҲЙИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ..... | 110 |


МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

ISSN: 2181-1040

www.tadqiqot.uz

Сайтмуродов Жобиржон Боймурод ўғли
Ренессанс Таълим Университети
«Ижтимоий-сиёсий фанлар»
кафедраси доцент в.б
E-маил: saitmurodovjobir@gmail.com

ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170515>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, немис классик фалсафасининг ёрқин вакили бўлган Г.В.Ф.Гегелнинг тарих фалсафасида инсоннинг ўрни масаласига алоҳида урғу берилади. Хусусан тарихда инсоннинг роли, инсон ва рух, инсон ҳаётида иштиёқ, эҳтирос, ирода, характер ва бошқа психологик тушунчаларнинг аҳамияти таҳлил қилинади. Шунингдек, инсоният тарихининг циклик жараён эканлиги ва унга мутлоқ ғоянинг синтези бўлган рухнинг таъсир этиши, тарихий зарурат сабаб алоҳидалик ҳисобланган инсоннинг шахсга айланиб бориши, умумийлик бўлган жамият ва давлат ҳаётига сингиб кетиши «Тарих фалсафаси» асари асосида тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: Г.В.Ф.Гегел, алоҳидалик, умумийлик, инсон, шахс, оила, жамият, объектив рух, субъектив ирода, қарама-қаршилик, зиддият.

Saitmurodov Jobirjon Boymurod o'gli
Renessans Education University
Associate Professor of the Department of
"Social and Political Sciences"
E-mail: saitmurodovjobir@gmail.com

THE EVOLUTION OF THE ESSENCE OF HUMAN IN HEGEL'S PHILOSOPHY OF HISTORY

ABSTRACT

In this article, special emphasis is placed on the question of the place of man in the philosophy of history of G. W. F. Hegel, a prominent representative of German classical philosophy. In particular, the role of man in history, man and spirit, the importance of desire, passion, will, character and other psychological concepts in human life are analyzed. Also, the fact that the history of mankind is a cyclical process and the influence of the soul, which is the synthesis of the absolute idea, the transformation of the individual, the individuality of the individual due to historical necessity, and the absorption into the life of the society and the state, which is the commonality, are researched on the basis of the work "Philosophy of History".

Keywords: G.V.F. Hegel, separateness, generality, man, individual, family, society, objective spirit, subjective will, opposition, conflict.

Саитмуродов Жобиржон Боймурад ўгли

Университет ренессанс образование

«Социальные и политические науки» доцент кафедры

E-маил: saitmurodovjobir@gmail.com

ЭВОЛЮЦИЯ СУЩНОСТИ ЧЕЛОВЕКА В ФИЛОСОФИИ ИСТОРИИ ГЕГЕЛЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье особый акцент сделан на вопросе о месте человека в философии истории Г. В. Ф. Гегеля, видного представителя немецкой классической философии. В частности, анализируется роль человека в истории, человека и духа, значение желания, страсти, воли, характера и других психологических понятий в жизни человека. Также учитывается тот факт, что история человечества представляет собой циклический процесс и влияние души, которая представляет собой синтез абсолютной идеи, превращение человека из исторической необходимости в индивидуума, поглощение жизнью общества и общества. государство, являющееся общностью, исследуется на основе труда «Философия истории».

Ключевые слова: Г.В.Ф. Гегель, обособленность, всеобщность, человек, индивид, семья, общество, объективный дух, субъективная воля, противодействие, конфликт.

Кириш. Бутун тарих давомида барча ҳаракатларда етакчи роль ўйнаган инсон ҳақида кўп фикрлар юритилган. Фалсафа тарихидаги мутафаккирлар ижодида ҳам асосий мавзу инсон бўлди дейишимиз мумкин. Кўплаб тадқиқотчилар инсонни асосий мавзу сифатида ўрганишни Суқрот бошлаб берганлигини ёзади. Шуни унутмаслик лозимки, Суқротдан олдин ҳам файласуфлар инсон ва унинг ҳаёти билан қизиққан. Борлиқни инсон ҳаёти ва унинг икболи учун муҳим деб ҳисоблаб, унинг хусусиятларини тадқиқ қилганлар. Ўзидан олдинги мутафаккирлар сингари Гегель ҳам ўзи яратган мураккаб объектив идеализмга асосланган фалсафасини бевосита инсон ҳаёти ва унинг ривожига бағишлади. У бутун инсониятнинг ҳақиқий эркинликка эришиш тарафдори бўлса-да, инсонлар эркинлик орқали ўз ўзликни англаб етар экан, унинг ҳақиқий намунаси сифатида прусс монархияси эканлигини кўрсатди. Бежиз Бертран Рассел уни ватанпарвар пруссиялик демаган эди. Унинг фалсафий системасида инсон дунёвий руҳ ёки мутлақ ғоя орқали ўз-ўзини англаб етади. Мутлақ ғоя ўз режаларини амалга оширишда инсон ва ундаги қобилят ва кўникмаларидан фойдаланади. Гегелга кўра, ҳар бир шахснинг онги мутлақ ғоя ёки дунёвий руҳнинг зарраси, инсон эса «дунёвий руҳ»нинг яқуний руҳидир.

Мавзу бўйича адабиётлар шарҳи. Гегелда инсон талқини зиддиятли бўлсада, кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Аввало, инсонга ёндашувни файласуф асарларидан сўнгра, Гуревич П.С., Демет Конур ва Салих Топрак, Тулин Бумин, Г.Скирбекк, Н. Гилье, Ўнай Сўзер ва бошқа олимларнинг асарлари ва мақолалари асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллардан фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. Гегель фикрича, умумжаҳон тарихи руҳ оламига тегишли. Дунё атамаси жисмоний ва руҳий табиатдан иборат. Инсоният тарихида жисмоний табиат муҳим роль ўйнайди лекин Гегельнинг асосий объекти «Рух ва унинг ривожланиш йўлидир»[1, 30-бет]. Гегель ўзи учун табиатни оқилона тизим сифатида кўриб чиқишни мақсад қилмаган балки, унинг кузатуви руҳнинг ўз ҳақиқатини умумжаҳон тарихида намён қилишидадир. Гегель нуқтаи назарича, «биз тарих деб атайдиган жараён руҳнинг эволюциясидир»[2, 120-бет].

Гегель бевосита инсонга алоқадор бўлган руҳнинг уч муҳим жиҳатини «Тарих фалсафаси» асарида қуйидагича келтириб ўтади:

Биринчиси - руҳ табиатининг мавҳум хусусиятлари;

Иккинчиси - рух ўз ғоясига эришишидаги фойдаланадиган воситалар; Учинчиси - рухнинг мукамал тимсоли эгаллаган шакллари.

Гегель рухнинг табиатини унинг қарама-қарши томони бўлган материя орқали тушунади. Гравитация материянинг моҳияти бўлгани каби, озодлик рухнинг субстанцияси ёки моҳиятидир. Гегель рух ва озодлик тушунчаларини ўзаро боғлиқлигини шундай тушунтиради: «Рухга бошқа хусусиятлар қаторида озодлик ҳам берилганлиги ҳақидаги таълимотни ҳамма осонлик билан маъқуллайди, лекин фалсафа Рухнинг барча фазилатлари фақат озодлик орқали мавжуд деб ўргатади, буларнинг барчаси воситадир, озодлик Рухнинг ягона ҳақиқати эканлиги спекулятив фалсафанинг натижасидир»[1, 31-бет].

Гегельнинг таъкидлашича, композицион бир-бирини истисно қиладиган материя марказий нуқтага мойиллиги туфайли тортишиш кучига эга бўлса, рух эса, ўзининг марказида бўлган тушунчадир. Демак, юқоридаги мулоҳаза шуни келтириб чиқарадики, материя ўз моҳиятига эга, рух эса ўз-ўзидан мавжудликдир, яъни бу айнан озодлик тушунчасидир.

Гегель инсон моҳиятини биринчи навбатда озодлик тушунчаси билан ифодалаб, озодлик туфайлигина инсон ўзлигини англаб етишига ишора қилади. «Агар мен қарам бўлсам, менинг борлигим мен бўлмаган бошқа нарсага ишора қилади, мен ташқи нарсадан мустақил мавжуд бўла олмайман»[1,31-бет] дея файласуф инсон ва рухнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

«Мен эркинман, агар мавжудлигим ўзимга боғлиқ бўлса»[1,31-бет] – бу ерда Гегель рухнинг ўз-ўзидан мавжудлиги, ўз борлигини англашдан бошқа нарса эмаслигини ифодалашга ҳаракат қилади. Файласуф онгда иккита нарсани фарқлашга ҳаракат қилади, биринчи мен билган ҳақиқат; иккинчиси эса мен билган нарса. Айнан шу икки жиҳатнинг синтези ўз-ўзини англашни келтириб чиқаради.

«Инсон, деб ёзади Гегель, - ҳаракат орқали ўзини ҳақиқатга айлантирмагунча, ўзининг нима эканлигини била олмайди»[3, 79-бет]. Инсон ўзлигини англаб етишида ҳаракатнинг нечоғлик муҳим эканини файласуф «кул ва хўжайин» диалектикаси орқали очиб беришга ҳаракат қилган. «Онг аввало ўзидан хабардор бўлиши керак. Аввал ўзидан бошлаб, сўнг объектга юзланади, яъни аввал «Мен»ни, кейин эса «мен» бўлмаганни билиб олади»[2, 120-бет]. Бироқ у ҳали ўзини англаб етмаган. Ўз-ўзини англаш субъектдан бошланиб, объектга айланадиган онгни ўзига қайтариш орқали эришилади. Шу тарзда у ўзини ривожлантириб боради.

Инсондаги ўз-ўзини англаш истаги бошқалар томонидан тан олинмиши истагини пайдо қилади. Гегельда бир инсон томонидан, бошқанинг тан олинмиши инсон мавжудлигининг асосидир. Бу тан олиш ўзаро муросага асосланиши керак. Лекин бу тан олиш ёки қабул қилиш икки томоннинг тенглигини эмас, балки бирининг устунлигига олиб келади. Бу ўзаро курашни келтириб чиқаради, лекин бу қайсидир томоннинг ҳалокатини англамаслиги керак. «Ўз-ўзини англашнинг туғилиши муқаррар равишда, ўз-ўзини англаш ўртасидаги муносабатлар орқали ўтади ва бу муносабатларнинг биринчи шакли ўз-ўзини тасдиқлаш учун кураш ҳолида бўлади. Гегельнинг машҳур кул-хўжайин диалектикаси бу кураш ва унинг оқибатлари диалектикасидир»[4, 30-бет].

Инсон ўз мавжудлигини таъминлаш ва эркинлигини ҳис қилиши учун, бошқа ўз-ўзини табиий мавжудликда англаб етган онгга кўрсатиши керак. Ўз-ўзини англашга интилаётган икки онг, ўзини бошқасига исботлаши керак. Ўзини англаб етишни орзу қилган бир тараф ҳаётини хавфга қўйиб, табиат билан бўлган курашда ғалаба қилди. У иккинчи томонга ўзини тан олди ва хўжайинга айланди. Иккинчи тараф эса хўжайинга қарам мавжудотга яъни кулга айланди. «Оқибатда хўжайин ва унга тобе кул мавжуд бўлган вазият юзага келади»[5, 471-бет].

Хўжайиннинг қўл остида ишлайдиган кул учун, фақат ўзини озод қилиш фикригина мавжуд эди. Қулдаги бу фикр унинг ҳаракати маҳсули бўлган меҳнат билан амалга ошарди. Қул меҳнати билан ўзини ҳам табиатни ҳам ўзгартиради. «Ўрганиш ва ўзгариш бор жойда, тараққиёт ва тарихий эволюция бўлади»[2, 120-бет]. Кўриниб турганидек, ўз-ўзини меҳнат

орқали ўзгартирувчи қул эркинлик ғоясини ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, қул ва хўжайин ўртасидаги фарқ тугайди. Демак тарих қулнинг тараққиёт ва ўзгариш тарихидир.

Гегель рух ўз ғоясига эришишидаги фойдаланадиган воситаларни бевосита эркинлик тушунчаси билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилди. Эркинлик ўзини дунёга айлантириш воситалари ҳақидаги савол бизни яна тарих феноменига олиб боради. Гегельнинг ёзишича, инсонлар тарихга биринчи марта разм солганида, уни одамларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг эҳтиёжлари, эҳтирослари, характери ва истеъдодларидан келиб чиққанига ишонади. Файласуф, эҳтиёжлар, эҳтирослар ва қизиқишларни ҳаракатнинг ягона манбаи деб билиб, ҳақиқий умумжаҳон тарихининг бунёдкори сифатида кўради. Яъни инсонлар ўз ҳаётларини ўз кўллари билан яратар экан, кўпроқ уларнинг таъсирида бўлади. Гегель инсонларда эҳтиёжлар, эҳтирослар ва қизиқишлар билан бирга, либерал ёки умумбашарий мақсадларни ҳам мавжудлигини таъкидлайди. «Бу хайрихоҳлик ёки олижаноб ватанпарварлик, лекин бундай фазилатлар ва умумий қарашлар дунё ва унинг амаллари билан солиштирганда аҳамиятсиздир»[1, 34-бет].

Гегель юқоридаги фазилат ва қарашларга эга инсонларда ақл идеали мавжуд деб билади, лекин бундай инсонларнинг улуши бутун инсониятга нисбатан анча оз эканлигидан қайғуради. Юксак инсоний фазилатлар ва ақл идеали инсониятнинг бутун тарихи давомида, халқлардан халқларга кўчиб юради. Гегель бу ерда инсон онгининг ўзига хос ривожланиш талқинини тақдим этиб уни уч даврга ажратади: Шарқ дунёсидаги инсон, юнон-рим дунёсидаги инсон ва немис дунёсидаги инсон.

У Шарқдаги инсонга баҳо берар экан, «Шарқликлар инсон руҳининг озод эканлиги ҳақида билимга эга эмаслар, буни билмагани учун ҳам эркин эмаслар»[1, 31-бет] деган бир ёқлама фикрни илгари сурди. Унингча, Шарқда фақатгина ҳукумдорнинг эркинлиги мавжуд бўлиб, у эҳтирослар, иштиёқлар ва субъектив қизиқишлар асири сифатида тасвирланди. Бошқа инсонларда эса, унинг акси, агар уларда ҳам шундай қизиқишлар бўлса, албатта икки томон ўртасида зиддиятларни келтириб чиқарарди. Бу қарама-қаршилиқлар ўз-ўзидан дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келмас эди. Шу тарзда Гегель «Шарқ дунёқарашини камситади»[6,5-бет]. Фикримизча, юксак ривожланган давлатларнинг мавжудлиги ундаги инсонлар ва уларни бошқарувчилар ўртасидаги ҳар икки томонни қониқтирувчи мақсадларнинг муштараклигидир. Гегельнинг шарқдаги инсон масаласига ёндашувини европамарказчилик нуктаи назаридан ёндашув деб ҳисоблаш мумкин.

Файласуф юнон-рим дунёсидаги инсон масаласига муносабатини куйидагича изоҳлади: «Эркинлик онги юнонлар орасида пайдо бўлди»[1, 32-бет], у Римликларда ҳам мавжуд эди, лекин ҳамма инсонлар у ерда эркин бўла олмаганлар. Юнонлар ҳам Римликлар ҳам эркинликка эга бўлмаган кишиларни инсон сифатида кўрмаганлар. Ҳаттоки, Ғарбнинг буюк донишмандлари сифатида қараладиган, Платон ва Аристотель ҳам баъзи инсонлардаги эркинликнинг тарафдори бўлишганини, қулларга эса, эркинликни зарур деб ҳисобламаганини Гегель таъкидлаб ўтади. Файласуф томонидан, юнонлар ва Римликларнинг қулга эга бўлиши ва ўз эркинлигининг манбаи деб билиши инсоний эҳтирослар, иштиёқлар ва субъектив қизиқишларнинг натижаси сифатида баҳоланади. Яъни, улар қулчилик институтининг мавжудлигидан манфаатдор эди.

Гегель биринчи бўлиб немис халқлари, «инсоний онг насронийлик таъсирида озодликка эришди, унинг Рухнинг моҳияти эканлигини англашди»[1, 32-бет] – дея юксак инсоний фазилатлар немис халқлари онгида қарор топганини ифодалайди. Унга кўра, эркинлик онги аввало динда, руҳнинг ички қисмида рўй беради ва реал воқеъликдаги муносабатларга киритилади. Бу катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, лекин мавжуд давлатнинг оқилона конституцияни қабул қилиши билан муаммо ҳал этилади. Гегель фикрича, оқилона тартибнинг яратилиши, ҳақиқий эркинликка йўл очади, ҳақиқий инсоний ва умумбашарий мақсадларни тарбиялайди. Бу ўз навбатида субъектив қизиқишлар, эҳтирослар ва иштиёқлар эркинлигини маълум даражада чегаралайди.

Гегель эҳтиросларни шахсий мақсадлар ва худбин истакларни қондириш ҳаракатининг манбаи деб билди. Унинг кучини куйидагича изоҳлади: «улар адолат ва ахлоқ қўядиган ҳеч

қандай чекловларни ҳурмат қилмайди»[1, 34-бет]. Ҳақиқатан инсоний эҳтирослар кўп ҳолларда жамият ва давлат тараққиёти учун хизмат қилувчи ахлоқийлик ва ҳуқуқийлик тамойилларини писанд қилмасдан уни бузишга ҳаракат қилади.

Гегель фикрича, инсоният томонидан яратилган цивилизацияларни вайронага айлантирилишида Худо айбдор эмас, балки инсонларнинг эҳтиросларга чуқур берилиши натижасида шундай бўлган. Файласуф умумий ва мавҳум тушунчалар бўлган тартиб, мақсад, тақдирни руҳнинг табиати ва ғояси деб билди. Унинг фикрича, тартиб, мавжуд бўлиш режаси, қонун - яширин моҳият бўлиб, субъектив онгда мавжуддир. Улар фақат ўзи учун мавжудлик бўлиб, бу шунчаки имконият ёки потенциалдир. Имкониятни ҳаракатга келтирувчи куч – ирода бўлиб, у кенг маънода инсон фаолиятидир. «Фақат ана шу фаолият орқали ғоя ҳам, умуман мавҳум хусусиятлар ҳам амалга ошади, уларни ҳаракатга келтирувчи ва ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг эҳтиёжи, инстинкти, майл ва иштиёқидир»[1, 36-бет].

Шундай қилиб, Гегель инсоний эҳтирос тушунчасига камроқ ахлоқий ва кўпроқ ёмон жиҳат сифатида қаради. У эҳтироснинг инсонда камроқ акс этиши тарафдори бўлди. «Гегель билдики, инсонни эҳтирослар, таъсирлар ва ҳиссиётлар енгади»[3, 78-бет]. Унингча, эҳтирос шундай бир кучки, у инсон иродасини объектга эмас субъектга йўналтиради.

Шунингдек, Гегель ирода ва ақлнинг ўзига хослигини ифода этувчи «характер» тушунчасига ҳам тўхталди. Характер инсоний ироданинг фақат шахсий манфаатларга хизмат қилиш билан чекланиб қолмасдан, жамият учун фойдали бўлган ишларни амалга оширишда туртки вазифасини бажаради. Гегель бу ерда характер тушунчасини инсоний эҳтиросларни, ақлий жиҳатдан назоратга олиш нуктаи назаридан ишлатади дейишимиз мумкин.

Гегель руҳнинг ўз ғоясига эришишидаги воситалар сифатида – иштиёқ, эҳтирос, ирода, характер ва бошқа тушунчаларни қўллар экан, улар бевосита инсон билан боғлиқдир. Улар инсонсиз ҳеч қачон воқеъликка айлана олмайди. Лекин руҳнинг учинчи муҳим жиҳатини ташкил этувчи шакллари қайсилар деган масала бизга анча қизиқарлидир. Чунки мана шу учинчи жиҳат Гегелнинг инсон муаммосига ёндашувини очиб беради дейишимиз мумкин.

Мутафаккир ўзи учун қуйидаги саволни қўяди: «менинг эътиқодим нимадан иборат, менинг эҳтиросимнинг объекти нима, у ҳақиқий, мазмунли хусусиятга эгами?»[1, 38-бет]. Унинг саволига қуйидагича жавоб бериш мумкин. Гегель эҳтиросларининг объекти давлатдир. Конституциявий ҳуқуқий давлат унинг эътиқодининг асосидир. Гегель давлат институтига назар ташлар экан «давлат ўз фуқароларининг шахсий манфаатлари билан бир бўлса, ички қудратли бўлади ва яхши ташкил топган ҳисобланади»[1, 38-бет] деган хулосага келади.

Инсон бахту иқболи бевосита давлатнинг келажаги ва куч қудрати билан боғлиқ. Гегель давлатнинг келажаги йўлида кўплаб ижтимоий тузилмалар, институтлар, сиёсий ташкилотлар ташкил топиши ва улар давлат билан бирга бўлиши кераклигини, шунингдек уларни ҳаракатга келтирувчи куч онгли инсон эканлигини таъкидлаб ўтади. Лекин, бундай ҳолатга ўзаро қарама-қаршиликларсиз, зиддиятларсиз эришиб бўлмаслигини у жуда яхши англайди. У давлатнинг ана шундай уйғун ҳолатга эришуви «унинг юксак фазилати, куч-қудрати ва гуллаб яшнаши даврини белгилайди»[1, 39-бет] - деб айтиб ўтади.

Гегель мураккаб фалсафий тизим яратувчиси сифатида, уч диалектик тузилмани ўз фалсафасининг усули сифатида белгилаб берди. Бу учлик орқали Гегелни ўқир эканмиз руҳ ва давлат тушунчаларига энг кўп дуч келамиз. Албатта уларни боғловчи кўприк вазифасини бажарувчи тушунча бу инсондир. У онгли мавжудот сифатида Гегель тизимининг асосида ётади. Инсон ақлли мавжудот бўлгани боис, маълумотларни тафаккур қилишга қодирдир. «Гегелнинг фикрича, бу бошқа ўзликларга дуч келиш жараёни яхлит тарзда кўриб чиқилиши ва текширилиши керак бўлган жараён»[2,122-бет].

Гегель инсон тушунчасини тарихнинг циклик жараёнида унинг бошқа объектлар билан муносабати нуктаи назаридан текширади. Бу муносабатларда инсон ташқи дунё ва бошқа билан бирлашувчи борлиқ сифатида амалга оширилади. Бир томондан субъект билан, яъни ўзи билан, иккинчи томондан эса объект ва ундан ташқаридаги ҳамма нарса билан.

Гегельдаги инсон борлиғи ҳақида сўз юритилганда, уни ташқи олам онги билан уйғунлашиб кетганини кўрамиз, чунки фалсафий борлиқ билан уйғунлашган инсон борлиғи ўз-ўзини англаб етган бўлади. Ўз-ўзини англаш йўлидаги биринчи қадам бошқа иккинчиси олдида ўз мавжудлигини кўрсатишдир. Бу ҳолат бизни яна «Рух феноменологияси» асарида келтирилган «кул ва хўжайин» диалектикасига етаклайди. «Гегель «кул ва хўжайин» ўртасидаги муносабатни, Худо ва инсон ўртасидаги муносабатга ўхшатади»[2, 125-бет]. Файласуфга кўра, инсоннинг ҳақиқий мавжудлиги унинг ҳаракатидир. Диндор одам худодан кўрқайди, сабаби эса ўлимдир. Шу боисдан у худонинг қулига айланиб, ўзи хоҳлаганича ҳаракат қила олмайди. Бу ерда диндор ва қулнинг ҳаракатида фарқ мавжуддир. Диндор ўз ҳаракатлари билан, ўзини қул каби озод қилишни эмас балки, охират саодатини кўзлайди.

Қул эса охират саодатини ўз қилмишидан эмас, балки, илоҳий иноятдан топади. Гегельдаги қул ва диндорнинг мавжуд ҳаётдаги имкониятларига назар солсак, қулнинг бу дунёдаги ҳаётни англаб етишдаги имконияти кенгроқдир. Қул ўзида эркинликка эришиш ғоясини кўтариб юради. Бу унга кўпроқ меҳнат қилиш, ўз устида ишлаш ва шу орқали ўзини ўзгартиришга олиб келади. Бу ўзгариш биринчи навбатда унинг реал ҳаётда ўзлигини англаб етишидир. Диндорнинг ҳаёти эса, қул ҳаётининг аксидир, у ўзидаги кўркув туфайли, ҳаракатдан ўзини тияди. Ундаги ҳаракатнинг камлиги эса, унинг ўз-ўзини англаб етишига имкон бермайди, натижада у мавжуд реалликни ўзида тўлиқ ҳис қила олмайди ва бахтсиз бўлади.

Гегель ўзининг қул ҳақидаги қарашлари орқали, қулнинг хўжайин қолиб, диндорга уруш очди деган хулосага келмаслигимиз керак. Файласуф бу ерда диндорнинг ҳаётга бўлган қарашини ақлга мослаштириш тарафдоридир. У худди қалбан Худо билан бўл, мавжуд реалликни тан олган ҳолда ҳаракат қил демоқчи бўлгандай бўлади. Гегельнинг бу қарашини, Шарқнинг зеҳнда тенгсиз тасаввуфий вакили Баҳоуддин Нақшбанднинг «кўлинг меҳнатда бўлсин, кўнглинг Аллоҳда бўлсин» шиорига ўхшаб кетади.

Гегель инсоният тарихини курашлар тарихи сифатида баҳолаб, инсонни ҳам ушбу курашларнинг натижаси деб билди. Унинг фикрича, тарихнинг бошланиши инсоннинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. «Инсон дунёга келар экан, ё хўжайин ёки қулдир, бу иккилик бор жойда инсон бор»[7] дея ёзади мутафаккир. Гегель учун умумжаҳон тарихи – инсоннинг амалга оширган ишлари, инсонлар ва табиат ўртасидаги муносабатлар, қул ва хўжайиннинг ўзаро бир-бирига таъсиридир. Мутафаккирнинг «Рух феноменологияси»даги инсонга муносабати ҳам биз учун муҳимдир. Чунки, файласуфнинг барча асарларида ягона инсон ҳақида сўз боради. Тўғри, ушбу асар онг ва руҳнинг ривожланиш босқичларига бағишланган бўлиши мумкин. Лекин файласуф «инсон руҳдир»[8, 231-бет] деб бежиз айтмаган.

Гегель қулнинг эркинликка эришишини қуйидаги босқичларда ифодалайди, у стоицизм, скептицизм ва насронийлик босқичларини босиб ўтиб, ўлим ва кейинги дунё ғоясини четга суриб, ўзини озод қилади. Бу жараён давлатнинг шаклланиши ва фуқаронинг пайдо бўлишида ўз аксини топади. Юқоридаги мулоҳаза шуни кўрсатадики, қулнинг эркинликка эришуви ўз-ўзидан давлат ва фуқарога бориб тақалади. Бу Гегельдаги инсоннинг мураккаб эканлигидан далолат беради.

Фалсафий антрополог П.С.Гуревич ўз мақоласида Гегель ғоясидаги шахс индивид эмас, балки давлатдир деб ёзади. Шунингдек, у Гегельнинг инсонга ёндашувида ўзига хос кескин фикрини қуйидагича билдириб ўтади: «шахс унда ўлади, унинг олий воқелигига сингиб кетади ва давлат хизматига топширилади»[3, 74-бет]. Бу фикрлари ҳозирги замон нуқтаи назаридан тўғри бўлиши мумкин. Лекин файласуф ўзининг фалсафий таълимотини ўзи яшаган давр ижтимоий-сиёсий муҳитидан келиб чиқиб яратди ва инсонга ҳам шу давр кўзи билан қаради. XVIII-XIX асрларда немис халқи тарқоқ ҳолда ҳаёт кечирарди, ушбу тарқоқликка барҳам беришнинг ягона йўли Гегельга кўра, кучли тартибга асосланган давлат ғояси эди. Унингча, ягона инсон бирлашмасдан, ёки давлат қурмасдан туриб ўзида ҳақиқий эркинликни ҳис қила олмайди. Қачонки давлат мавжуд бўлса, унинг фуқаролари бўлган инсонлар ўзларида ҳақиқий бахтни ҳис қиладилар.

Гегелдаги инсон бошқа инсонлар билан шу қадар боғланганки, жамиятнинг барча талабларини ёлғиз ўзи бажара олмагани учун у нафақат меҳнат қилади, балки меҳнатни бошқалар билан ҳам тақсимлайди. Шундай жараёнларни бошдан ўтказган инсонда жамият ҳақидаги тасаввурлар шаклланади. Ушбу жамоавий ҳаёт ва меҳнат туфайли, инсонларда «хуқук» тушунчасига эҳтиёж пайдо бўлади. Гегельнинг фикрига кўра, бирлик умуминсонийлик билан идентификациялашгандагина озод бўлади. «Шахслар ўз эҳтиёжларини қондириш ва истакларини рўёбга чиқариш учун ана шу тамойил ва қоидаларга мувофиқ ҳаракат қилсалар, иккинчи томондан, бу ҳаракатлар орқали умуминсоний тузилманинг амалга ошишини таъминлайдилар»[9, 82-бет].

Гегель шахснинг эркинлиги давлат томонидан яратилган қонунларга бўйсунуш орқали мавжудлигини таъкидлаб, қонунлар орқали очиб берилган ахлоқий ҳаётга оид белгиланишларни шахсларнинг бурчлари сифатида келтирди. Айнан ушбу бурчлар эркинликни амалга ошириш йўлидир.

«Давлат одамларнинг ҳаётига чекловлар қўядиган одамлар йиғини эмас»[2, 127-бет]. Балки, давлат ўзи ҳукмронлик қиладиган маконда, барча фуқароларга ёки шахсларга эркинлик беради. Давлат томонидан яратилган қонунлар, унда яшовчи одамларнинг барча эҳтиёжларини қондиришнинг қонуний усулларини кўрсатади.

Гегель баъзи алоҳида шахсларнинг субъектив эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган, ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиш эркинлигини чеклаш тарафдоридир. Шундай шахслар борки, улар ўзларининг субъектив иродасини рўёбга чиқариш учун жамият ва унинг аъзоларидан ўз манфаатлари нуктаи назаридан фойдаланмоқчи бўлади. Бундай шахсларнинг ҳаракати, ҳам жамият ва унинг аъзоларига, ҳам давлатга салбий таъсирини ўтказади. Файласуф шундай алоҳида шахсларга нисбатан эркинликнинг чекланиши кераклиги тарафдори бўлди.

Гегель шахс онгидаги мавҳум эркинлик ғоясини давлатда конкретликка эришишини таъкидлаб, бу эркинликнинг кафолати давлат қонунлари эканлигини эътироф этади. У қонунларни халқ шакллантиради, конституция эса халқ руҳиятининг ифодасидир, дейди. «Давлат ўзи ҳукмронлик қилган маконда, бошқарув учун манба бўлган конституция ўз мазмунини маълум бир халқдан олади»[2, 127-бет], бу шуни англатадики, халқнинг асосини ташкил этувчи инсонларнинг орзу-умидлари, эҳтиёжлари, мақсадлари халқнинг руҳини акс эттиради. Ушбу халқ руҳи эса давлат томонидан қабул қилинадиган қонунларда ўз аксини топади. Бу фикрлар инсоннинг давлат билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатади.

Объектив руҳ ҳисобланган давлат ҳуқуқий меъёрлар ва қонунсиз ҳаракат қила олмайди. Қонунлар эса пайдо бўлишида инсон ҳаракатлари ва тафаккури натижаси бўлган халқ руҳининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Гегель асри том маънода тарих асридир. Тарих онги ривожланган бу асрда, Гегель ўзининг фалсафий тизимини инсоният тарихи устига қурди. Биз Гегельдаги инсоннинг ўз-ўзини англаш йўлидаги тарихини ўрганар эканмиз, ушбу тарихни доим ўзгаришда ва ривожланишда эканини кўрамиз.

Хулоса. Асосий хусусияти ўзгариш ва ривожланиш бўлган умумжаҳон тарихининг асосий субъекти бўлган инсон – ўз-ўзини англайдиган мавжудот эканлигини айтишимиз мумкин. Ўз-ўзини англайдиган мавжудот сифатида инсон ўзини тўлиқ англашни мақсад қилади, бу ўз ҳаётдан қониқишнинг зарурий шартидир. Агар инсон комилликка эриша олса, инсоннинг тарихи тугайди, чунки у комилликка эришган бўлади. Ўзини тамомлаган ва ўзлигини тўлиқ англаган киши ҳикмат даражасига етган бўлади. Фалсафа инсонни мутлақ билим сари етаклашини ҳисобга олсак, ўзини англаб етган одам ўзининг чекли ва ўлимли эканлигини ҳам англайди. Инсоннинг ўз-ўзини англаш йўлидаги биринчи босқичи ўлимдан кўрқишдир. Гегелдаги онгли ўзини англаган одам, ўзининг интиҳоси ўлим эканлигини билиб, ўлим ғоясини қабул қилади ва ўзининг мутлақ руҳ эканини англайди. Шу сабабдан ҳам у ўз фасафаси марказига инсонни қўйди. Яъни инсон ҳақиқатдир. Гегель инсонни англаш ва билиш учун унинг табиатини билиш зарурлигини кўра олди. Шу сабабли, энг аввало, инсоннинг ўз-ўзини англайдиган мавжудот сифатида ривожланиши ўзидан шахсни келтириб чиқаради. Шахслар эса бошқа алоҳида индивидлар билан биргаликда жамият ва давлатни пайдо қилди.

Шундай қилиб, инсон Гегельнинг тарих фалсафасида жамият ва давлат билан яхлит ҳолда ўз ўрнини топиб шахсга айланиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Hegel G.W.F. The Philosophy of History, // With Prefaces by Charles Hegel and the Translator, J. Sibree, M.A.Kitchener 2001.
2. Demet Konur Salih Toprak “Hegel’in İnsan Anlayışı” Etü, Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, I/2, Temmuz 2016
3. Гуревич П.С.”Тема человека в философском наследии гегеля” Философский журнал 2018. Т. 11. № 2.
4. Tülin Bumin, Hegel: Bilinç problemi, Köle- Efendi Diyalektiği, Praksis Felsefesi
5. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи, ўзбекча тарж.:И.Саифназаров ва Ж Маҳкамов. – Т.: Шарқ, 2002.
6. Мадаева Ш.О. Ориентализм Шарқ ва Ғарб диалоги тадқиқининг методи сифатида / Фалсафий маданиятлар мулоқоти: илмий тўплам. – Тошкент: “Нишон-Ношир”,2014.
7. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=24017601>
8. Гегель Г. В. Ф. Философия религии. Т. 2. -М.: 1977.
9. Hegel G.W.F. Tarihte Akıl, çev. Önay Sözer

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000